Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 14-avgust, payshanba № 98 (3447)

Ўзбекистоннинг бойликлари кўп, лекин бизнинг энг катта бойлигимиз, энг юксак қадриятларимиз, бу — жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликдир.

Ислом КАРИМОВ



Касаба уюшмалари: фаолиятга янгича ёндашув

Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон!

Фарғона вилояти кейинги йилларда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари натижасида таниб бўлмас қиёфага кирдм. Жумладан, Қўқон, Марғилон шаҳарлари инфраструктураси буткул янгидан қурилиб, замонавий шаҳарсозлик талабларига мослаштирилди. Вилоят марказида эса кенг ва равон шоҳ кўчалар, ҳалқа йўллари пайдо бўлди. Замонавий ва шарқона меъморчилик анъаналарини ўзида мужассамлаштирган муҳташам бинолар қад ростлади. Бугун шаҳар ва туманларда улкан ўзгаришларни кузатиш мумкин. Файзли ва тўкис хонадонларда ўтказилаётган тўю тантаналар одамларнинг турмуш даражаси юксалиб бораётганидан далолат беради. Меҳнат аҳлига қулай иш шароитлари яратилаётгани, уларнинг манфаатлари ҳар томонлама ҳимояланаётгани ҳам ижтимоий соҳада эришилаётган ютуқлар сирасидан. Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Валишер Азизов билан суҳбатимиз айни шу мавзуда кечди.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИ ҲИМОЯСИ – ОЛИЙ МАҚСАД

— Айни кунларда вилоятимиз аҳли истиқлолимизнинг 23 йиллик тўйига муносиб тайёргарлик кўрмоқда. Касаба уюшма ташкилотлари вакиллари ҳам ташаббускорлик кўрсатиб, бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларида фаол иштирок этаётир.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфида 2792 та бошланғич ташкилот бўлиб, улар сафида 594 минг 615 нафар аъзо бор. Ишловчиларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, спортнинг оммавийлигини таъминлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш фаолиятимизда устувор аҳамиятга эга.

Касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини тарғиб қилиш ўз самарасини бериб, жорий йилда янги ташкил этилган корхона, ташкилот ва муассасанинг 1226 тасида касаба уюшма ташкилотлари тузилди ва 3609 нафар ишчи-ходим манфаати ҳимояга олинди. Бу борада Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмаси тармоғида амалга оширилган ишлар эътиборга лойиқ. Бозорларда олиб борилган тарғибот натижасида муқим савдо ўрнига эга бўлган 157 нафар якка тартибдаги тадбиркор ҳамда 1000 нафардан ортиқ ҳунарманд аъзоликка қабул қилинди.

Шунингдек, бошланғич ташкилотларнинг нуфузини ошириш мақсадида ҳар бир туман ва шаҳар кенгашида 30 тадан бошланғич ташкилотлар фаолиятини намунали йўлга қўйиш ишлари ташкил этилди.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурига мувофиқ, касаба уюшма ташкилотлари томонидан кўплаб хайрли ишларга қўл урилди. Жумладан, вилоятдаги 98 та корхона ва муассасада 123 нафар ходимнинг фарзандларига чет тилларни ўрганишига кўмаклашиш мақсадида 11 млн. 495 минг сўмлик моддий кўмак берилди. Ушбу маблағларнинг 7 млн. 19 минг сўми касаба уюшма ташкилотлари ҳисобидан ажратилди.

593 та корхонада 1586 нафар эҳтиёжманд оилалар вакилларига 156 млн. 107 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. Нодавлат мулк шаклидаги 146 та корхонада меҳнат қилаётган 212 нафар ёш болали аёлнинг ойлик маошлари сақланган ҳолда иш ҳафтасини 35 соатга қисқартиришга эришилди.

(Давоми 2-3-саҳифаларда).

Ўқув -семинар

«Халқаро Меҳнат Ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган конвенциялари, корхоналарда меҳнат муносабатларини тартибга солиш, хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш бўйича иш берувчилар ҳамда улар вакилларининг билим ва тажрибаларини янада ошириш» мавзусидаги ўқув-семинарлар жойларда давом этмоқда.

Билимдонлик ва тажриба фаоллар шиори

Касаба уюшма фаоллари ҳамда иш берувчилар иштирок этган тадбирни Тошкент вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари Рустам Турдиалиев кириш сўзи билан очди.

— Мамлакатимизда эркин иқтисодиётга асосланган ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон ва унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият бўлган жамиятни шакллантириш борасида ғоят улкан ишлар амалга оширилмоқда, — деди Р.Турдиалиев. — Ушбу жараёнда ҳар бир касаба уюшма етакчисидан билимдонлик ҳамда тажрибага эга бўлиш тақозо этилади. Бугунги тадбирда нафақат фаоллар, балки иш берувчиларнинг ҳам таклиф этилганлиги ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш борасида муҳим аҳамият касб этади.

Тошкент вилояти

Йиғилишда ЎзКУФК бўлим мудири Равшан Самарбеков ЎзКУФК ҳамда ХМТнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида маъруза қилиб, Халқаро Меҳнат Ташкилоти меҳнат соҳасидаги асосий ҳуқуқларнинг минимал стандартларини белгилаб берувчи меъёрларни ишлаб чиқадиган ҳамда ушбу меъёрларни конвенция ва тавсиялар шаклида қабул қиладиган халқаро муассаса эканлигини алоҳида таъкидлади.

Шундан сўнг бирлашма кенгашининг бўлим мудирлари Руслан Раҳмонов, Наргиза Асадова, Ботир Тошпўлатов ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ХМТнинг республикамизда ратификация қилинган конвенцияларини амалга ошириш, корхона ва ташкилотларда меҳнат муносабатлари ҳамда уларни тартибга солиш, меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш борасида иш берувчиларнинг вазифалари тўғрисида тушунча беришди.

Семинар иштирокчилари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Наманган вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида ўтган тадбирда касаба уюшма фаоллари, халқ таълими ҳамда ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизими вакиллари, вилоят Фермерлар кенгаши аъзолари иштирок этди. Семинар ишини ВКУТБ раиси З.Маҳкамова кириш сўзи билан очди.

Халқаро меъёрларга мос

— ХМТнинг Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган конвенциялари ижросини таъминлашда касаба уюшмалари ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётир, — дея таъкидлади у, жумладан. — Зеро, мазкур устувор ҳужжатлар асосида инсон манфаатларини тизимли равишда ҳимоя қилинади. Конвенциялар талабларини ижро этиш иш берувчилар ҳамда биз каби жамоат ташкилоти вакиллари фаолиятида енгиллик яратиши ҳам бор гап. Фикримизнинг исботи сифатида бола ҳуқуқлари соҳасидаги ҳужжатларга эътибор қаратсак. ХМТнинг «Ишга қабул қилиш учун энг кичик ёш тўғрисида»ги (2008 йилда 4 апрел), «Болалар меҳнатининг энг ёмон шаклларини тақиқлаш ва тугатишга доир шошилинч чоралар тўғрисида»ги конвенциялари (2008 йил 8 апрел) муайян халқаро мажбуриятларнинг мамлакатимиздаги ижросига катта аҳамият берилаётир.

Вояга етмаганлар манфаатини ифода этарканмиз, мазкур нормаларга қатъий амал қилмоғимиз, халқаро ва миллий қонунчилигимизда уларга белгиланган имтиёзларни таъминлашга ҳисса қўшмоғимиз шарт, албатта. Бу борада ҳар йили вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси билан ҳамкорлик келишувини тасдиқлаб, амалга ошириб бормоқдамиз. Корхона ва ташкилотларда 18 ёшга тўлмаган болаларнинг ишга қабул қилиниши ва қонунда кўзда тутилган имтиёзларнинг тақдим этилиши назоратга олинган. Жамоа келишувлари ва шартномаларига 16-18 ёшга тўлмаган шахслар меҳнатини ҳар томонлама муҳофаза қилиш, иш вақти, таътиллар ва бошқа қўшимча имтиёзлар киритилган ва бажариб борилмоқда. Фермерлар ўртасида қишлоқ хўжалиги ишларига болаларни жалб этишда қонун ҳужжатларини бузишга, ушбу талабларни ҳисобга олган ҳолда 18 ёшдан кичик бўлган шахсларнинг оғир ишларга жалб этилишига йўл қўймаслик масалалари бўйича тушунтириш ишлари ва давра суҳбатлари ўтказиш бўйича бошланғич касаба уюшмаларига тавсиялар берилган.

Наманган вилояти

Семинарда ЎзКУФК матбуот хизмати раҳбари М.Ўрмонбекова сўзга чиқиб, ЎзКУФ ҳамда ХМТнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятининг асосий йўналишлари тўғрисида йиғилганларга батафсил тушунча берди.

Ўқув-семинарда иштирокчилар меҳнат жараёнини тўғри ва қонуний ташкил этиш, ишловчилар учун адолатли, хавфсиз ҳамда кафолатланган иш ўринларини яратиш бўйича билимларини бойитишди.

Дилдора РАҲМОНОВА,
«Ishonch» мухбири

Байрам туҳфаси

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллик байрами яқинлашиб келаётган айни кунларда кўплаб маданий-маиший иншоотлар, таълим, тиббиёт муассасалари ва бошқа ижтимоий объектлар фойдаланишга топширилмоқда.

ЯНГИ ДИАГНОСТИКА МАРКАЗИ

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясига қарашли Ховос бирлашган шифохонаси қошида қуриб битказилган янги диагностика марказининг ишга туширилиши фикримизнинг ёрқин тасдиғидир.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигини янада яхшилашга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётгани алоҳида таъкидланди.

Маълумотларга кўра, илгари темир йўл тизимининг Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги тармоқларида меҳнат қилган ишчи-хизматчилар айрим касалликлар бўйича тиббий текширувдан ўтиш учун пойтахтга боришларига тўғри келган. Марказ фаолиятининг йўлга қўйилиши бундай сарсонгарчиликнинг олдини олиш, вақт ва маблағ тежаш имконини беради.

— Марказимиз энг сўнгги русумдаги замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган, — дейди муассаса бош шифокори Ғоибназар Раимназаров. — Давлатимиз томонидан яратиб берилган қулай шароитлардан самарали фойдаланиш, беморларга тез ва сифатли хизмат кўрсатиш асосий вазифамиздир. Уларни талаб даражасида бажаришга астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

А.МУСТАФОҚУЛОВ,
ЎзА мухбири

Бухоро шаҳрида Жанубий Корея сармояси асосида ташкил этилган «Daewoo Textile Bukhara» масъулияти чекланган жамиятида замонавий технологиялар асосида калава ип ишлаб чиқарилмоқда.

Корхонада 700 нафардан зиёд киши уч сменада меҳнат қилаётир. Ишчиларнинг асосий қисмини нафақат ўз касбини, балки бир неча хорижий тилларни пухта ўзлаштирган ёшлар ташкил этади.

Суратда: корхона ишчилари — (чапдан) Нафиса Аслонова, Гулноза Ёдгорова ва Муҳаббат Муҳаммедова.

ЎзА фотомухбири Тоҳир ИСТАТОВ олган сурат

Август ойи — ҳосилга ҳосил қўшадиган давр

Пахтакорларимиз учун ўта масъулиятли палла бошланди. Ота-боболаримиз беҳудага экин кун санайди, август ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ой, деб айтишмаган. Бугун ҳаяллаган, парваришни кечиктирган, агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказмаган фермер кузда бармоғини тишлаб қолиши тайин.

Ҳар туп ғўза эъзозда

Мен раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигида 120 гектар майдонда ғўза парваришланмоқда. Хўжалигимиз ташкил топганига 17 йил тўлган бўлиб, ҳар мавсумда давлатга пахта топшириш шартномавий режасини ошиғи билан бажариш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз. Тажрибадан яхши биламизки, ютуқларимизнинг бош омили, бу белгиланган агротехник тадбирлар доимо уюшқоқлик билан ўтказилаётганидадир.

Яқинда ғўзаларни шарбат билан суғордик, зараркунандаларга қарши биологик усулда курашни жорий этиб, далаларга ферамон тутқичлар ўрнатдик. Ҳозир ғўзани чилпишни тугаллаш арафасидамиз. Чунки ғовлаб кетган экиннинг ҳосилдорлиги паст бўлади, фақат бўйига куч беради. Вақтида ғўзани чилпиш ва культивациялаш ҳосилдорликни гектарига 10-15 фоизга оширади.

Айни кунларда ғўзаларга кўсак қурти тушиш хавфи мавжуд. Бунинг ҳам бемалол олдини олиш мумкин. Белгиланган жойларга, юқорида айтганимиздек, ферамон тутқичлар, махсус сиропли идишларни ўрнатиш лозим. Биомаҳсулотларни далаларга эрталаб соат 6:00 дан 8:00 гача, пешинда эса соат 17:00 дан 20:00 гача чиқаришга аҳамият берилса, экинга зараркунанда тушмайди.

Шунингдек, барча деҳқонлар яна бир нарсага, яъни ўсишдан орқада қолган ғўзалар парваришига алоҳида аҳамият қаратишса, фойдадан холи бўлмайди. Бунинг учун пайкаллар шарбат усулида суғорилиши, ҳар гектарга 5 тоннадан чириган гўнг бериш керак. Ана шунда кўзланган натижага эришиш мумкин.

Ҳар бир дақиқа ғанимат, ундан унумли фойдаланган деҳқон фақат барака топади.

Бектурди ОРТИҚОВ,
Хоразм вилояти
Қўшкўпир туманидаги
«Ҳамроҳ» фермер хўжалиги раҳбари,
«Меҳнат шуҳрати» ордени соҳиби

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

Жорий ўқув йилида Қашқадарё вилоятидаги умумтаълим мактабларининг 9-синфини битирган 51 минг 947 ўқувчи таълимнинг кейинги босқичига қамраб олинди.

НАВБАТ КАСБ ЎРГАНИШГА

— Битирувчиларни касб-ҳунар коллежи ва академик лицейларга тўлиқ қамраб олишни самарали ташкил этишга қаратилган бир қатор ишларни амалга оширдик, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси масъул ходими Мирза Қурбонов. — Ўқувчиларнинг ота-оналарига уч йиллик мажбурий бепул таълим, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган туб ислоҳотлар ва унинг мазмун-моҳияти ҳақида янада кенг маълумотлар берилди. «Мутахассислигинг — сенинг келажагинг», «Қиз боланинг касби — унинг бахти» каби мавзуларда ўтказилган тадбирларда ёшларнинг касб-ҳунарга бўлган қизиқиш ва интилишлари хусусида сўз юритилди.

Бу каби тадбирлар янги ўқув йилида ўқувчиларнинг қайси таълим муассасасида ўқишни давом эттириши, танлаган касби, ота-оналарнинг бу борадаги таклиф ва истакларини билиб олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

ЎзА

Касаба уюшмалари:
ФАОЛИЯТГА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Ishonch
2014-yil 14-avgust № 98 (3447)

■ Таътил — 2014

Бир пайтлар дунёга донг таратган «Артек» болалар оромгоҳида дам олиш насиб этган саноқли ўғил-қизларга кўпчилик ҳавас билан қарарди. Эндиликда эса юртимизда, айниқса, Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган оромгоҳлар ҳеч бир муболағасиз «Артек»дан қолишмайдиган қиёфа касб этди. Шу боис бугунги авлод вакилларини ҳеч иккиланмай энг бахтли болалар дейиш мумкин.

«Артек»дан кам эмас

Ишонмасангиз келиб кўринг

Бўстонлиқ тумани қадим Хондайлиқ қишлоғининг сўлим табиати, бетакрор таровати, мусаффо ҳавоси-ю зилол булоқ сувлари ҳар қандай кишини ўзига ром этади. Шундан бўлса керак, ушбу ҳудудда ўнлаб дам олиш масканлари жойлашган. Улар қаторида «Автомобилчи» болалар оромгоҳи ҳам бор.

Беш гектардан зиёд майдонни эгаллаган масканда ошхона, ётоқхона, бассейн, турли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган майдончаларнинг бир-бирига яқин жойлашгани дам олувчиларга қулайлик яратади.

Мавсум давомида маънавият ва маърифат бўлими, кутубхона, тасвирий санъат, моҳир қўллар, шахмат-шашка, хор тўгараклари доимий фаолият кўрсатади. Ўғил-қизларнинг чизган расмлари, ўз қўллари билан ясаган турли амалий санъат намуналарини кўздан кечирар эканмиз, ўсиб келаётган ёшларнинг иқтидор ва қобилияти табиат қўйнида янада ёрқин намоён бўлишини пайқадик. Оромгоҳда ташкил этилган фестивалда болаларнинг хор ва эстрада йўналишларида ижро этган куй-қўшиқлари фикримизни яна бир карра тасдиқлагандек бўлди.

Мароқли дам олиб, ота-онаси бағрига қайтаётган болалар юзидаги табассумни кўриб, уларнинг бу ерда вақтини кўнгилли ўтказганига амин бўлдик. Шу боис уларнинг таассуротлари, фикр ва мулоҳазалари билан қизиқдик.

— Бу ернинг хушманзара табиати, яратилган шарт-шароит, ўтказилган турли-туман тадбирлар менда чуқур таассурот қолдирди, — дейди Нукус шаҳри 9-умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Ғафур Жолмурзаев.

— Самимий ва илиқ муомалада бўлган барча тарбиячилардан, вақтини ва билимини аямасдан санъат сирларини ўргатган тўгарак раҳбарларидан, шунингдек, лаззатли таомлар тайёрлаган ошпазлардан жуда мамнунмиз, — дейди Урганч шаҳри 15- умумтаълим мактаби 8-синф ўқувчиси Шарипбой Шарипов.

Болаларнинг вақтни мазмунли ва мароқли ўтказиши учун жамоа фаолиятини уюшқоқлик билан ташкил этишда оромгоҳ бошлиғи Фахриддин Халиловнинг хизмати катта. Болаларнинг эрталабки бадан тарбиясидан тортиб, тунги дам олиш вақтигача Фахриддин аканинг ўзи ҳам тинмайди, ходимларни ҳам тинч қўймайди. Шу саъй-ҳаракатлар самараси бўлса керак, 400 ўринга мўлжалланган оромгоҳ тўрт босқич давомида болаларнинг дам олишини талаб даражасида ташкил этишга муваффақ бўлди.

Мавсум тугагач, ходимларни соғломлаштириш мақсадида оромгоҳ имкониятларидан унумли фойдаланиш мумкин. Шу боис оромгоҳ бош директори ўринбосари Акмал Очилов билан учрашиб, бу йўналишда қандай ишлар олиб борилаётганлиги билан қизиқдик.

— Болаларнинг ёзги дам олиши якунлангач, бу ерда таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари олиб борилади. Масканимиздаги мавжуд 9 та икки қаватли бинодан бири айнан катта ёшдаги ходимлар учун мослаштирилган. У 15 кишига мўлжалланган бўлиб, совуқ тушгунга қадар ҳар бир ходим уч кун давомида дам олиб кетиши мумкин.

Дилором АЛЛАҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

■ Матбуот анжумани

«Ўзавтойўл» автомобил йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат-акциядорлик компаниясида фаолиятнинг 2014 йил биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Унда амалга оширилган ишлар хусусида сўз юритилиб, ДАК таркибидаги ташкилот ва корхоналар томонидан 564,4 млрд. сўмлик йўл қурилиш, таъмирлаш, сақлаш ва ташқи пудрат ишлари бажарилганлиги таъкидланди.

Йўлсозлар ютуғи

Президентимизнинг 2010 йил 21 декабрдаги Қарорига асосан тасдиқланган «Ўзбек миллий автомагистрали» таркибига кирувчи автомобил йўллари участкаларини қуриш ва реконструкция қилиш дастурига асосан жами 61 та объектда 534 км. узунликдаги йўллар фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган бўлиб, жорий йилнинг биринчи ярмида инвестиция дастури доирасида маҳаллий пудратчи корхоналар 534 км. йўл қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 930,4 млрд. сўмлик («Ўзавтойўл» компанияси корхоналари улуши 233 км. йўл қурилиш-таъмирлаш ишлари учун 655,6 млрд. сўм) шартномалар тузди ва қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлади. Шундан 152,0 км. узунликдаги автомобил йўллари реконструкция қилинди ва бу борада режадаги 176,3 млрд. сўм ўрнига, 185,3 млрд. сўмлик (105,1 фоиз) қайта қуриш ишлари амалга оширилди.

«Ўзавтойўл» компанияси корхона ва ташкилотлари умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларида бажарилган капитал таъмирлаш ишлари ҳажми 48,8 млрд. сўмни ташкил этди. Республикамизнинг халқаро, давлат ва маҳаллий аҳамиятга молик 42654 км. узунликдаги автомобил йўлларида жами 286,1 млрд. сўмлик сақлаш ва жорий таъмирлаш ишлари уддаланди.

Шу йилнинг биринчи ярмида компания корхоналарига жами 264 та янги техника олинди. Уларнинг 217 таси республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан харид қилинган бўлса, 47 та техника корхоналар маблағлари, лизинг ва банк кредитлари ҳисобидан сотиб олинди.

Вазирлар Маҳкамаси томонидан компанияга саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2014 йилнинг биринчи ярим йиллигида ўсиш суръатлари 103,5 фоиз миқдорида белгиланган бўлиб, тизимдаги саноат ва ёрдамчи ишлаб-чиқариш хўжалик корхоналари (ҳисобот даврида) таққослама нархларда 95,3 млрд. сўмлик, 2013 йилнинг шу даврига нисбатан эса 103,6 фоиздан ортиқ саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарди.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб берилди.

Шарофат НОРҚУЛОВА,
«Ishonch» мухбири

БУ МУҚАДДАС ВАТАНДА

■ Ёз — ўтмоқда соз!

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси тасарруфидаги оромгоҳимиз сўлим гўшалардан бирида жойлашган. Бу ерда болажонларнинг мароқли дам олишлари учун барча шароитлар муҳайё этилган. Ўтган йили муассасада 1 млрд. 647 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Бино ва иншоотларнинг том ва шифт қисмлари, ошхона, ётоқхоналар, душхона, спорт майдонлари ва бассейн қайта таъмирланди. Маънавият хонаси замонавий компютер, зарур адабиётлар ва бошқа жиҳозлар билан таъминланди.

ҲАММА НАРСА БОЛАЖОНЛАР УЧУН

Натижада, муассасамиз имкониятлари ортди. Ҳордиқни мароқли ташкил этишда 16 нафар педагог ҳамда 40 нафар техник ходимлар жонбозлик кўрсатди. Дам олиш дастуридан маънавий-маърифий, спорт тадбирлари, турли ўйин ва кўрик-танловлар жой олди. Касбга йўналтирувчи тўгараклар фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, «Мен мустақил юрт фарзандиман», «Отам, онам ва мен — спортчи оила», «Ватаним Ўзбекистон» , «Моҳир қўллар», «Гўзал юрт манзаралари» сингари тадбирлар барчада илиқ таассурот қолдирди.

Бу даргоҳ талабалик йилларимдан менга таниш. Бола тилини яхши тушунаман. Улар билан ишлаш ҳам завқли, ҳам ўта масъулиятли. Шу боисдан ҳар бир боланинг қалбига йўл топишга, қизиқиш ва интилишига мос тадбирлар уюштиришга эътибор қаратамиз.

Куртзаде УМЕРОВА,
«Ниҳол» оромгоҳи директори

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

— Ёзги соғломлаштириш мавсуми охирлаб қолди. Режадаги ишларнинг барчаси амалга оширилдими?

— Жорий мавсумда 19 стационар ва 92 та кундузги оромгоҳда 29 минг нафар болани соғломлаштириш режалаштирилган бўлиб, шу кунга қадар 28000 нафар ўғил-қиз дам олдирилди.

Ёш авлоднинг мароқли ҳордиқ чиқаришида турли маданий-маърифий ва спорт тадбирларининг аҳамияти катта. Оромгоҳларда «Биз — порлоқ келажак эгаларимиз», «Соғлом миллат – соғлом келажак», «Ёз — 2014» спорт ўйинлари, «Болалигим — менинг бахтли онларим» сингари тадбирлар, турли театр томошалари, концертлар уюштирилмоқда. Шу билан бирга, «Моҳир қўллар», «Рақс сирлари», «Инглиз тилини ўрганамиз», «Компютер саводхонлиги» ва спорт тўгаракларида малакали мутахассислар томонидан мунтазам машғулотлар олиб борилмоқда. Ўйлайманки, бу йилги ёз мавсуми болажонлар хотирасида ёрқин таассурот қолдиради.

— Жамоа шартномаларининг бажарилиши, иш ҳақининг ўз вақтида берилишини назорат қилиш, меҳнат муҳофазаси касаба уюшма фаолиятининг негизи ҳисобланади.

— 2012-2014 йилларга мўлжалланган уч томонлама ҳудудий-минтақавий келишув ҳамда 7 та шаҳар ва туманлар миқёсидаги тармоқ келишувларига жорий йил учун қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

ФАРҒОНА

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИ

Амалдаги жамоа шартномаларида жорий йилда ходимларнинг меҳнат жараёнларидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ҳамда иш қобилиятини сақлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш профилактикаси масалаларига оид 79333 та тадбир режалаштирилган бўлиб, 6 ой давомида уларнинг 50607 таси бажарилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мутахассислари ва давлат-техник инспекторлари, санитария назорати, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда «Саноатгеоконтехназорат» мутахассислари билан ҳамкорликда олиб борилган ўрганишлар натижасида меҳнат муҳофазаси ва хавфсизлик техникаси қоидалари бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун хўжалик органларига 42 та таклиф ва тақдимнома киритилди.

— Мамлакатимизда ёшларга эътибор юксак даражада. Шу ўринда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида касаба уюшма ташкилотлари томонидан олиб борилаётган ишлар ҳақида тўхталсангиз.

— Юртимизда келажагимиз эгаларига яратилаётган шароит ва имкониятларни кўриб фақат ҳавас қилиш мумкин. Чунки улар мамлакатимиз раҳбари эътиборида. Ёш авлод вакиллари ҳам ўзларига билдирилган ишончни оқлашаяпти.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган тизимли ишлар туфайли Фарғона шаҳридаги 2-ижтимоий иқтисодиёт коллежи талабаси Мухлисахонда ўз бизнесини йўлга қўйиш истаги уйғонди. Бизнес лойиҳасини ишлаб чиқишда унга бувижониси Улфатхон ая кўмаклашди. Ҳокимлик ва жамоат ташкилотларининг қўллаб-қувватлаши натижаси ўлароқ, оиланинг ўз маблағи эвазига тикув машиналари ва бошқа анжомлар сотиб олиниб, юмшоқ жиҳозлар, кўрпа-тўшак, матрац, ёстиқ ва ётоқ чойшаб тўпламлари ишлаб чиқарила бошлади. 2013 йилда оилавий корхона сифатида қайта рўйхатдан ўтказилди.

■ Оилавий бизнес

ЭПЛИ ҚИЗ

— Корхонамиз ташкилот ва муассасалар, хонадонлар учун ҳам бирдек зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мослашган, —дейди М.Зокирова. — Турли кўрик-танловларда орттирган тажрибам, коллежда олган билимим боис корхонани ишга туширишдан, ҳужжат ишларини юритиш, буюртмалар қабул қилишда қийналмадим. Солиқ инспекцияси ва бошқа органлар вакиллари оилавий тадбиркорлик субъектларига ҳукуматимиз томонидан яратилган шароитлар тўғрисида тушунтириш беришди. Маълумки, бозорбоп ва сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхонанинг истиқболини белгилайди. Шу ақидага қатъий амал қилиб келаяпмиз. «Ташаббус — 2013» кўрик-танловида иштирок этиб, «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича 3-даражали диплом билан тақдирландик.

Ишбилармон қиз бошқараётган оилавий тадбиркорлик субъекти учун жорий йил янада омадли келди. Фарғона шаҳрида 13-14 май кунлари ўтказилган халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида 47 млн. сўмлик шартнома тузишга эришилди. Ҳозир шартнома асосида шаҳардаги бир қатор тиббиёт муассасалари учун маҳсулот тайёрланяпти.

Набирасини ёшлигиданоқ ҳунарга, тикиш-бичишга ўргатиб, эпли қиз этиб тарбиялаган бувиси Улфатхон ая у эришган ютуқлар билан ғурурланди.

Холида ЖАББОРОВА

■ Нодавлат секторда

РАҲБАР ҲАВАСМАНД БЎЛСА...

Истиқлол йилларида тадбиркорлар ва ишбилармонларга яратилган қулай муҳит табиатан меҳнаткаш халқимизга ўзгача шижоат бағишлади. Тадбиркор Мўйсинжон Меҳмонов Фарғона-Қувасой катта магистрал йўли ёқасидаги ташландиқ ҳолга келиб қолган собиқ кўчма механизациялашган колонна ўрнида шифер ишлаб чиқариш цехи барпо этиб, ёнатрофдаги қишлоқларда яшовчи кўплаб ёшларни иш билан таъминлади. Сифатли маҳсулот тезда ўз харидорини топиб, яхшигина даромад келтира бошлади. Натижада, тадбиркор фаолиятини кенгайтириб, «Building materialis production and trading group» масъулияти чекланган жамиятини ташкил қилди. Унинг таркибида цемент, темир-бетон буюмлари ишлаб чиқарувчи цехлар ишга туширилди.

Жамият бирлашган касаба уюшма қўмитаси ўз сафига 500 дан зиёд аъзони бирлаштирган. Қўмита раиси Абдусамад Назирдиновнинг таъкидлашича, ишловчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилашда маъмурият билан йўлга қўйилган ижтимоий шериклик ўз самарасини бераётир.

— Хусусий секторда раҳбарнинг салоҳиятига кўп нарса боғлиқ, — дейди касабақўм етакчиси. — Раҳбар ишнинг кўзини биладиган инсон бўлса, ҳар қандай корхона гуллаб-яшнайди, иқтисоди бақувватлашади. Ходимларга эътибор ҳам кўнгилдагидек бўлади. Маълумки, ходимлар манфаатини ҳимоя қилишда жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши катта аҳамиятга эга. Шуни ҳисобга олиб 2013-2015 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси шартларини тўлиқ бажаришга эришиш мақсадида маъмурият ва қўмитамиз барча имкониятларни ишга солмоқда. Жумладан, тиббий хизмат хонаси зарур дори-дармон, керакли жиҳозлар билан таъминланди. Ходимлар белгиланган вақтда бепул тиббий кўрикдан ўтказиляпти. Қулайликларга эга ошхонада қўли ширин ошпазлар ходимларга бепул тушлик тайёрлайди. Ишга қатнаш учун махсус автобус ажратилган. Меҳнаткашларнинг фарзандларига турли оромгоҳларга 70 та йўлланма бепул берилди. «Ниҳол» болалар оромгоҳига 16 млн. 30 минг сўмлик ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

МЧЖда меҳнат муҳофазаси масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Биргина жорий йилда ушбу мақсадлар учун 524 млн. 160 минг сўм йўналтирилган. Бу ҳар бир ходимга 936 минг сўм сарфланади дегани. Биринчи ярим йилликда газпайвандчиларга 24 млн. сўмлик кийим-бош олиб берилди. Дастгоҳларни янгилаш ва бошқа ишлар учун 26 млн. сўм ажратилди.

— Сарфланаётган маблағлар ўзини оқлаяпти, — дейди корхона меҳнат муҳофазаси муҳандиси Акбарали Зокиров. — Ўтган йиллар давомида жамоамизда ишлаб чиқаришда жароҳатланиш, бахтсиз ҳодиса содир бўлгани йўқ. Ишга тўғри ёндашилса, натижа ҳам шунга яраша бўлади. Корхонамизда янги дам олиш ва спорт зали ишга тушиш арафасида.

Қувасой шаҳридаги Иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежи билан тузилган шартнома асосида кўплаб ўқувчилар амалиётни шу ерда ўтамоқда. Бу йил битирувчилардан 29 нафари корхонада ишлаш истагини билдирди. Амалиёт ўташ давомида қўли ишга келиб қолган ёш мутахассислар сафга қўшилди.

Юртимизнинг барча ҳудудларида йирик бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Қурилиш маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ҳам шунга яраша. Натижада, МЧЖда ишлаб чиқариш режалари ортиғи билан бажарилиб, фойда ҳам кун сайин ортиб боряпти. Даромадга қараб буромад, деганларидек, корхона раҳбарияти «Соғлом бола йили» дастури асосида бир қанча ҳомийлик ишларини амалга оширмоқда. Йил бошидан буён 10 та эҳтиёжманд оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Битта оилага бир бош қорамол, яна бирига тикув машинаси олиб берилди. Корхона яқинидаги аҳоли яшаш жойларида 1,5 км. йўл таъмирланиб, асфалт ётқизилди.

А. МАМАЖОНОВ



Ishonch
2014-yil 14-avgust № 98 (3447)

АЗИЗДИР ИНСОН!

ВИЛОЯТИ ХИМОЯСИ – ОЛИЙ МАҚСАД

лаш, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмаклашишга касаба уюшмалари ҳам устувор вазифа сифатида қараб келмоқда. Жорий йилда 186 та корхона ва ташкилотда 660 нафар касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг бир қисмини тўлаш учун корхоналар ҳисобидан 23 млн. 650 минг сўм сарфланди.

— Яхши дам — меҳнатда ҳамдам, дейдилар. Ишчи-ходимларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун турли тадбирлар, саёҳатлар ташкил этиш қай йўсинда амалга оширилаётир?

нинг иш билан таъминланиши ҳаққонийлиги ўрганилди. Аниқланган камчиликларни тузатиш бўйича амалий ёрдамлар берилди.

Ёшларни муқим иш ўринлари билан таъминлаш борасида 6 ой давомида 89 марта бўш иш ўринлари ярмаркалари ўтказилди. Унда 4714 та корхона ва ташкилот бўш иш ўринларини таклиф этди ҳамда 2967 нафар фуқаро ишли бўлди. Уларнинг 1890 нафари ёшлардир.

Олий ўқув юртларида таълим олаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 24 нафар эҳтиёжманд талабага шартнома пул-

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши қошидаги «Касаба сайр» шўъба корхонаси билан ҳамкорликда жамоа шартномалари ва тармоқ келишувларида белгиланганидек, юртимизнинг қадимий шаҳарларига саёҳатлар ташкил этилмоқда. Бу эзгу ишлар кейинги йилларда, айниқса, ривож топди. Корхона ва ташкилотларда меҳнат қилаётган ишчи-ходимлар Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларига саёҳатга олиб борилди. Саёҳатчилар кўҳна обидалар, истиқлол йилларида бунёд этилган иншоотлар билан танишиб қайтишди. Ушбу мақсадлар учун жами 135 млн. сўм, шундан касаба уюшма ҳисобидан 69 млн. 800 минг сўм, иш берувчи ва ҳомийлар маблағидан 65 млн. 200 минг сўм сарфланди.

Меҳнаткашлар манфаати ҳимояси — олий мақсадимиз. Шундай экан, уларга етарли меҳнат ва дам олиш шароитларини яратиш, ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан кўмак бериш касаба уюшма ташкилотлари зиммасидаги асосий вазифа бўлиб қолаверади.

Ўз мухбиримиз

Шукрона

Тошлоқ тумани Аҳшақ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Рўзвонби ая Ҳакимова 101 ёшни қаршилади. Рўзвонби аянинг ёшлиги Иккинчи жаҳон уруши йилларига тўғри келди. Фронт ортида меҳнат қилди. Сув келса симирди, тош бўлса кемирди. 4 нафар фарзандни вояга етказди. Ҳозирда 20 нафар набира, 47 нафар чевара ва 6 нафар эвараниинг севимли бувиси бўлиб, уларнинг меҳру эътиборида файзли ҳаёт кечирмоқда.

Энг намунали бошланғич ташкилот

Мустақилликнинг дастлабки йилларида вилоятимизда хорижий сармоядорлар иштирокидаги йирик саноат корхонаси — «ДЭУ текстил Фарғона» масъулияти чекланган жамияти ташкил топди. Қисқа вақтда жаҳон бозорларида харидоргир, қимматбаҳо ва ноёб ҳисобланадиган 100 фоиз пахта толасидан калава ип ва мато ишлаб чиқарила бошланди.

ХОДИМЛАР ЭЪТИБОРДА

Корхонамиз 1996 йилнинг апрел ойида «Daewoo Textile Company» Тошлоқ ип-йигирув фабрикаси сифатида фаолият бошлади. Дастлаб ишлаб чиқариш ҳажми йилига 14 минг тоннани ташкил этди. Ўтган даврда «Daewoo Textile Company» Қумтепа мато ва калава ипни иккилаш фабрикаси, «Daewoo Textile Fergana» фабрикаси ишга туширилди. Ҳозирда ишлаб чиқариш ҳажми бирлик ип учун йилига 20 минг тонна, иккилик ип учун 2.5 минг тоннага етмоқда. Маҳсулотнинг 95 фоизи экспорт қилиниши корхона иқтисодий имкониятлари ортишига имкон яратаяпти. Кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг кенгайиши натижасида Фарғона туманининг Аввал, Водил, Чимён қишлоқлари, Фарғона, Марғилон, Қува, Олтиариқ, Тошлоқ, Қўштепа ва Қува туманларида янги фабрикалар ташкил этилиб, ҳудудда истиқомат қилувчи аҳоли доимий иш билан таъминланди. Уларнинг манфаатлари касаба уюшма томонидан ҳимояланмоқда.

Касаба уюшма қўмитаси иш ҳақининг оширилиши ва ўз вақтида берилишини доимий назоратга олган. 2014 йил январ ойида маошлар 7 фоизга, май ойида 10 фоизга оширилди. Ювиниш ва гигиена воситалари учун 23 млн. 234 минг сўм, сут маҳсулотларига 14 млн. 430 минг сўм, дори-дармон учун 4 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Шунингдек, ходимларни тиббий кўрикдан ўтказиш, бино ва ишлаб чиқариш иншоотларини дезинфекция қилиш, ичимлик сувининг санитария-эпидемиологик назорати учун ҳам алоҳида маблағлар ажратилган.

Корхона ходимлари ўтган йили Тошкент, Бухоро, Самарқанд ва Хоразмга саёҳатга олиб борилди. Шу билан бирга, Наманган, Андижон шаҳарларига оммавий гиена хоналари, тиббиёт бўлими, ошхона мавжуд. Транспорт бўлими узлуксиз фаолият олиб боради. 25 та автобус ишчилар хизматида. Бундан ташқари, махсус кийим-бош сотиб олиш учун 176 сайрлар ташкил этилди.

Турли кўрик-танловларда касаба уюшма ташкилотимиз фаолияти намунали ташкил қилингани эътироф этилмоқда. Жумладан, ўтган йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ўтказилган «Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш бўйича энг яхши корхона» кўрик-танловининг Республика босқичида фахрли 1-ўринни эгалладик.

«Энг намунали бошланғич ташкилот» Республика танловида эса «Энг чиройли кўргазма ташкил этган бошланғич касаба уюшма ташкилоти» номинацияси ғолиблиги насиб этди. Намунали фаолияти учун касаба уюшма қўмитамиз ўтган йили ЎзКУФКнинг Фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо совғаси билан тақдирланди.

Гулнора ЮСУПОВА,
«Daewoo Textile Fergana»
корхонаси касаба
уюшма қўмитаси раиси

Арафа

Мустақиллик байрамининг 23 йиллик тантаналари тобора яқинлашаётган айни кунларда юртимизда «Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» шиори остида турли байрам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

ҲУҚАНДИ ЛАТИФДА «МУСТАҚИЛЛИК ОҚШОМЛАРИ»

Кўқон шаҳрининг «Истиқлол хиёбони»да ташкил қилинаётган «Мустақиллик оқшомлари» маданий-маърифий тадбирларида шаҳар аҳли ва меҳмонлар мириқиб ҳордиқ чиқармоқда. Айниқса, оқшом чўкиши билан хиёбонда янги ишга туширилган мусиқали фаввора атрофида дам олиш учун келаётганларнинг сон-саноғи йўқ. Фавворада 315 та рангин чироқлар бўлиб, уларнинг ёғдуси ва жило-рақси компютер орқали бошқарилади.

Хиёбонда саҳналаштирилган адабий-бадиий дастурлар ва музқаймоқ сайллари байрамга ўзгача тароват бахш этмоқда.

Феруза НОРБОЕВА

Ҳуқуқий муҳофаза

Касаба уюшма ташкилотларида мурожаатларни тезкор ва қонун талаблари доирасида кўриб чиқиш, ҳуқуқбузарлик оқибатларини вақтида бартараф этиш бўйича самарали тизим йўлга қўйилган.

Вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг юридик бўлимига жорий йилнинг биринчи ярмида 48 та ёзма ҳамда 122 та оғзаки мурожаат келиб тушди. Шу давр ичида иш берувчиларга меҳнат қонунчилиги бузилишини бартараф этиш бўйича 17 маротаба тақдимномалар киритилди. 29 нафар ходимнинг ҳуқуқлари тикланишига эришилди.

МУРОЖААТЛАР ОРТИДА ИНСОН ТАҚДИРИ

Жумладан, Салим Назаров ва Бобомурод Дадажоновларнинг иш берувчи томонидан меҳнат шартномаси бекор қилинганлигидан норози бўлиб, ёзган аризаси жамоатчилик назорати тартибида ўрганилди. Ўрганиш давомида улар меҳнат қилиб келган Олтиариқ туманидаги 20-умумтаълим мактаби маъмуриятининг меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғи амалдаги меҳнат қонунчилиги талабларига риоя этилмасдан чиқарилганлиги маълум бўлди.

Шуни инобатга олиб, бирлашма кенгаши тақдимнома киритди. Ўз ҳаракатлари қонунга мутлақо мос келмаслигини тушунган маъмурият С. Назаров ва Б. Дадажоновни ишга тиклаб, уларга мажбуран бекор юрган кунлари учун ҳақ тўлаб берди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида касаба уюшма аъзоларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш мақсадида фуқаролик ишлари бўйича судга 3 марта даъво аризалари киритилди.

Мисол учун, Фарғона шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлимига қарашли 45-мактабгача таълим муассасаси мудири бўлиб ишлаган К.Турсунованинг аризаси ўрганилганда, унинг Меҳнат Кодексининг бир қатор моддалари талабларига хилоф равишда ишдан бўшатилганлиги аниқланди.

Ўрганиш натижаларига кўра, бирлашма юридик бўлими томонидан Халқ таълими бошқармасига ходимни ишга тиклашни сўраб, фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат қилинди. Бироқ маъмурият иш судда кўрилгунга қадар, киритилган тақдимномага асосан К. Турсуновани ўз иш жойига тиклаганлиги боис даъво бўйича иш юритиш тугатилди.

Бирлашма кенгаши қошида меҳнаткашлар қонуний ҳуқуқлари, эркинлик ва манфаатларини ҳимоя қилишни амалга ошириш мақсадида ташкил этилган «Ишонч телефони»га ўтган вақт мобайнида 65 та мурожаат қабул қилиниб, улар бўйича аниқ чоралар кўрилди ва фуқароларга тегишли ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Юридик бўлим томонидан иш берувчиларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини оширишга қаратилган ўқув-семинарларда 60 маротаба чиқишлар қилинди. Биринчи ярим йилликда 6 маротаба ижтимоий-меҳнат муносабатларига оид масалалар юзасидан тушунтириш, қонунчиликни такомиллаштириш бўйича 5 та таклиф киритилиб, 251 та ҳужжат бўйича ҳуқуқий хулоса берилди.

Орзигул КОЗИХОНОВА,
вилоят касаба уюшма ташкилотлари
бирлашмаси юридик бўлими мудири

ЮЗ ЁШЛИ ОНА ДУОСИ

— Оилада аҳиллик, ҳамжиҳатлик, меҳр-муҳаббат бўлса, у мустаҳкам қўрғонга айланади, — дейди онахон. — Юртимизда тинчлик-хотиржамлик, барқарорлик ҳукм сурмоқда. Урушнинг оти ўчсин. Умрим давомида кўплаб тўполонларнини гувоҳи бўлганман. Минглаб одамларнинг ёстиғини қуритган урушлар оилалар, оддий инсонлар бошига кулфат ёғдиради холос. Тинчлик бўлган жойда эса силжиш бўлади. Сарой ва кўшклар, боғ-роғлар барпо этилади. Яхши ниятлар билан яшаш, одамларга эзгулик улашиш, меҳнат қилиш, энг муҳими, саломатликка эътибор қаратиш орқали инсон дунёда узоқ ва бахтли умр кечиради. Шукурлар бўлсинки, шу мўътабар ёшга етиш, мустақиллигимизнинг мусаффо тонгларини кўриш насиб этди. Юртбошимизга биз, фахрийларга кўрсатаётган ҳурмат-эътибори, ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдираман. Илоҳим, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Рўзвонби ая фарзанду набираларига: «Ўтаётган ҳар бир куннинг қадрига етинг, тинчликни асраб-авайланг», дея доимо уқтиради. Онахон ҳалиҳамон уй юмушларини ўзи бажариш одатини тарк этмаган. Инсон меҳнати билан улуғ. Ҳалол пешона тери эвазига топилган ризқу насиба барокатли бўлади, доимий ҳаракат инсонни касалликдан узоқлаштиради, умри узун, бахти бекам бўлади.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

Қўшсаҳифа материалларини «Ishonch» мухбирлари Абдулҳай ЮНУСОВ ва Улуғбек ИБОДИНОВ тайёрлади.

Реклама ва эълонлар

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилоят филиали очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

1. Жиззах вилояти Бахмал тумани Ўсмат ШФЙ Янгиҳаёт қишлоғида жойлашган, Бахмал туман ҳокимлигига қарашли 9-сонли «Гулдаста» болалар боғчаси биноси.

Танловга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
— умумий ер майдони — 2,43 га.
— бино ва иншоотларнинг умумий майдони — 582,55 кв.м.
— фаолият турини — аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бўйича 100,0 млн. сўмдан кам бўлмаган миқдорида инвестиция киритиш.

Бошланғич нархи — 338 932 000 сўм.

Балансда сақловчи: Бахмал тумани ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

2. Жиззах вилояти Бахмал тумани Ўсмат ШФЙ Янгиҳаёт қишлоғида жойлашган, Бахмал туман ҳокимлигига қарашли собиқ 68-сонли мактабнинг қурилиши тугалланмаган биноси.

Танловга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:
— умумий ер майдони — 1700 кв.м.
— бино ва иншоотларнинг умумий майдони – 291,40 кв.м.
— фаолият турини — аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бўйича 50,0 млн. сўмдан кам бўлмаган миқдорида инвестиция киритиш.

Бошланғич нархи — 97 459 000 сўм.

Балансда сақловчи: Бахмал тумани ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси: Маъмурий бошқарув.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиали, Жиззах шаҳри, Ш.Рашидов кўчаси 39-уй. телефон: (8-372) 222-34-16. веб сайт: www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиали)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АТИБ «Ипотека» банк Жиззах вилоят филиали, 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

Танловда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган конвертларни очиш санаси куни уч соат олдин тамом бўлади.

Инвестиция мажбуриятларининг ва бошқа мажбуриятларнинг энг кам ҳажми:
-энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
-энг юқори миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
-сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш:
-янги иш ўринларни ташкил этиш мажбуриятини олиш.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2014 йил 16 сентябр куни, соат 11.00 да Давлат рақобат қўмитасининг Жиззах вилоят ҳудудий бошқармаси мажлислар залида (6-қават)да бўлиб ўтади.

Танлов савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 2 ва 17 октябр ҳамда 4 ноябр кунлари, соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатларини ва қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кўчаси 39-уй «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилоят филиали биноси.

Танлов ҳужжатлари талабгорларга уни олиш пайтида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2 (икки) баробари миқдоридаги тўлов эвазига берилади.

Танлов ҳужжатларига тўловни тўлаш учун банк реквизитлари: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Жиззах вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека» банк Жиззах вилоят филиали, 22626000804920609001, МФО: 00122, СТИР: 207122519.

Танловда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда чопар ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда танловда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

танлов тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган танлов таклифлари:

сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;

агар бу танлов шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов таклифларининг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

Мурожаат учун манзил: Жиззах шаҳри Ш.Рашидов кўчаси 39-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-372) 222-34-16. Факс: (8-372) 222-34-16.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz. www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!
Хизматлар лицензияланган.

Тошкент политехника касб-ҳунар коллежи ошхонаси ижараси бўйича тендер эълон қилинмоқда. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур кўчаси, 26-уй. Тел: 255-92-00, 254-92-48, 254-86-64.

Оммавийликдан — маҳорат сари

Алоқа ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси, Стол тенниси Федерацияси ҳамкорлигида соҳа ходимлари ўртасида «Кўчма кубок» учун финал босқичи бўлиб ўтди.

КЎЧМА КУБОК УЧУН

Мусобақада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий босқичларида шоҳсупага кўтарилган 60 нафар тармоқ ходими ғолиблик учун кураш олиб борди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда фаолият юритаётган ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ходимлар, айниқса, ёш мутахассисларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни спортга кенг жалб этиш, жисмоний тарбия машғулотлари билан шуғулланиш учун яратилган шароитлардан оқилона фойдаланиш, спортни соҳа ходимлари ҳамда улар оила аъзоларининг кундалик турмуш тарзига айлантириш, шунингдек, стол теннисини янада оммалаштиришга йўналтирилган мазкур тадбир барчага манзур бўлди.

Мусобақаларнинг уч босқичда — 2 та гуруҳда 35 ёшгача ва 35 ёшдан катталар ўртасида якка-лик тартибда ўтказилганлиги ўзига хос тайёргарлик вазифасини ўтади.

Хусусан, биринчи босқич «Ўзбектелеком», «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компаниялари, «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ филиалларининг туман, шаҳар таркибий бўлинмаларида жорий йилнинг июн ойи давомида, иккинчи саралаш мусобақалари ҳар бир филиал ва алоқа корхона, ташкилот ходимлари ўртасида июл ойининг биринчи ўн кунлигида, 3-босқич ҳудуд марказларида филиалларнинг иккинчи босқич ғолиблари ҳамда ҳудуддаги бошқа корхона, ташкилотлар ғолиблари ўртасида июл ойининг иккинчи ўн кунлигида ташкил этилди. Мазкур мусобақаларда 4 мингдан зиёд ходим иштирок этди.

Стол тенниси мусобақа иштирокчиларидан шакллантирилган терма жамоа таркиби Низомда белгилаб берилган тартиб асосида 4 та корхона, ташкилот ва муассасалар вакилларидан иборат бўлди. Республика босқичида 13 та ҳудуддан ва Тошкент шаҳридан 2 та терма жамоа куч синашди.

Беллашувларни Ўзбекистон Стол тенниси Федерациясининг ҳакамлари баҳолаб борди. Якунда Тошкент шаҳри жамоалари биринчи ва иккинчи ўринларни қўлга киритган бўлса, учинчи ўрин хоразмликларга насиб этди.

Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг диплом, медал ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Мусобақа иштирокчилари учун кечки Тошкент бўйлаб саёҳат ташкил этилди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
Икром ҲАСАНОВ олган сурат



Реклама ва эълонлар

«Бекободцемент» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси

Барча юртдошларимизни Мустақиллигимизнинг 23 йиллиги билан чин юракдан муборакбод этади. Бунёдкор халқимизни тинчлик, омад, бахт ва сиҳат-саломатлик ҳеч қачон тарк этмасин.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

Диққат! Диққат! Диққат!
Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилоят филиали очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдоларига қуйидаги давлат активлари қўйилади.

1. Қашқадарё вилояти Қарши тумани Кожор қишлоғида жойлашган, Қарши туман «Ободонлаштириш» бошқармасига қарашли 47-сонли мактабнинг бўш турган биноси.

Танловга қўйилган давлат активининг тавсифи:
-умумий ер майдони 5582,72 кв.м.
-бино ва иншоотларнинг умумий майдони 985,52 кв.м.
Бошланғич нархи — 357 780 857 сўм.

Балансда сақловчи: Қашқадарё вилоят Қарши туманида жойлашган, Қарши туман «Ободонлаштириш» бошқармаси.

Фаолият ихтисоси: Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари.

2. Қашқадарё вилояти Қарши тумани «Пахтакор» ҚФЙ ҳудудида жойлашган, вилоят «Ғўза уруғчилик» бирлашмасига қарашли «Дон сақлаш» биноси.

Танловга қўйилган давлат активининг тавсифи:
— умумий ер майдони 5041,50 кв.м.
— бино ва иншоотларнинг умумий майдони 611,39 кв.м.
Бошланғич нархи — 247 908 128 сўм.

Балансда сақловчи: Қашқадарё вилояти «Ғўза уруғчилик» бирлашмаси.

Фаолият ихтисоси: Қишлоқ хўжалиги.

Савдо ташкилотчиси: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали, Қарши шаҳри Қарлиқхона МФЙ, «Тошсарой» (собиқ М.Абдуллаева) кўчаси 20-уй. телефон: (8-375) 225-44-58. веб сайт: www.1kms.uz. электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Лицензия: RR 0001.

Танлов савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Савдо ташкилотчиси («Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиали)нинг қуйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим: АТИБ «Ипотека» банк Қашқадарё вилоят филиали, 20208000004920609009, мфо: 00190, стир: 207122519

Танловда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва билдиришномада кўрсатилган конвертларни очиш санаси куни уч соат олдин тамом бўлади.

Инвестиция мажбуриятларининг ва бошқа мажбуриятларнинг энг кам ҳажми:
-энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
-энг юқори миқдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
-сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш:
-янги иш ўринларни ташкил этиш мажбуриятини олиш.

Талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертлари 2014 йил 16 сентябр куни, соат 11.00 да Давлат рақобат қўмитасининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси мажлислар залида (3-қават)да бўлиб ўтади.

Танлов савдоси шу куни бўлиб ўтмаган тақдирда, такрорий савдолар 2014 йил 2 ва 17 октябр ҳамда 4 ноябр кунлари, соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатларини ва қўшимча маълумотларни олиш мумкин бўлган манзил: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри Қарлиқхона МФЙ «Тошсарой» (собиқ М.Абдуллаева) кўчаси 20-уй «Qashqadaryo mulk Markazi» МЧЖ биноси.

Танлов ҳужжатлари талабгорларга уни олиш пайтида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 2 (икки) баробари миқдоридаги тўлов эвазига берилади.

Танлов ҳужжатларига тўловни тўлаш учун банк реквизитлари: «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Қашқадарё вилояти филиалининг АТИБ «Ипотека» банк Қашқадарё вилоят филиали, 20208000004920609009, мфо: 00190, стир: 207122519.

Танловда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда чопар ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда танловда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил танловда қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

танлов тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

танлов ҳужжатларига мувофиқ тузилган ва қуйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган танлов таклифлари:

сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш муддати;

инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари;

агар бу танлов шартларида белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак. Танлов таклифларининг амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

Мурожаат учун манзил: Қарши шаҳри Қарлиқхона МФЙ «Тошсарой» кўчаси 20-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-375) 225-44-58. Факс: (8-375) 225-44-58.

Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz. Интернет тармоғидаги веб сайт; www.1kms.uz. www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар! Савдоларни ўтказиш жараёнида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингиз бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (8-371) 259-21-37 рақамли «Ишонч телефони»га зудлик билан хабар беришингиз сўралади!

Савдоларга марҳамат қилинг!
Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari
Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi:
133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: N.Mahamov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 20.20
Topshirildi - 20.45

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 815 | 13934 nusxada bosildi | 1 2 3 4